БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАҲБУСЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИНИМАЛ СТАНДАРТ ҚОИДАЛАРИ

/Мандела қоидалари/

PROMOTING THE NELSON MANDELA RULES

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Мандела қоидалари)

БМТнинг 1955 йилдаги жиноятнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишга оид биринчи Конгрессида қабул қилинган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалар (МСҚ) маҳбусларни қамоқда сақлаш юзасидан универсал эътироф этилган минимал стандартлар ҳисобланади ҳамда бутун дунёда пенитенциар муассасалар билан ишлашга доир қонунлар, сиёсат ва амалиётни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан катта аҳамият ва таъсирга эга.

Минимал стандарт қоидаларнинг қайта кўриб чиқилган матни 2015 йил 17 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида A/RES/70/175-сон резолюция тарзида бир овоздан қабул қилинди. Қайта кўриб чиқилган Қоидалар Жанубий Африканинг марҳум президенти ва умрининг катта қисмини қамоқда ўтказган Нельсон Ролихлахл Мандела меросига ҳурмат белгиси сифатида “Нельсон Мандела қоидалари” номи билан машҳур.

Ушбу ҳужжат Нельсон Мандела қоидаларининг ўзбек тилига норасмий таржимаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) кўмагида тайёрланди.

“Ушбу нашр Марказий Осиёдаги Penal Reform International (PRI) кўмагида ўзбек тилига таржима қилинган ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлими кўмагида Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.”

Биринчи дастлабки мулоҳаза

Қуйидаги қоидалар пенитенциар муассасалар намунавий тизимини батафсил таърифлашга қаратилмай, балки ҳозирги замон тафаккурининг умумэътироф этилган ютуқлари асосида ва ҳозирги вақтдаги энг мақбул тизимларнинг асосий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда маҳбуслар билан муомала қилиш ва қамоқхоналарни бошқариш борасидаги одатда принципиал ва амалий нуқтаи назардан тўғри деб ҳисобланадиган ёндашувни баён қилишга мўлжалланган.

Иккинчи дастлабки мулоҳаза

1. Юридик, ижтимоий, иқтисодий ва географик шарт-шароитларнинг турфа хиллигини эътиборга олиб, барча ушбу қоидаларни ҳар ерда ва бир вақтда қўллаш мумкин эмаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бироқ мазкур қоидалар амалий қийинчиликларни енгиб ўтишга доим интилишга даъват қилиши керак, чунки умуман олганда, бу қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақбул деб ҳисоблаган энг минимал шарт-шароитларни акс эттиради.

2. Бошқа тарафдан, бу қоидалар тафаккур доим илгарилаб кетадиган фаолият майдонини ҳам ўз ичига олади. Қоидалар уларда баён қилинган тамойилларга мос келадиган ва уларда белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган тажриба ўтказишга ва амалиётни жорий этишга тўсқинлик қилмайди.

Учинчи дастлабки мулоҳаза

1. Қоидаларнинг I қисми қамоқхоналарни умумий бошқариш хусусида бўлиб, маҳбусларнинг барча тоифаларига нисбатан улар жиноят иши ёки фуқаролик иши бўйича қамоқда сақланаётганидан ва фақатгина тергов вақтида қамоқда сақланаётганидан ёки жазога ҳукм этилганидан қатъи назар қўлланилади, шу жумладан қоидаларнинг бу қисми судьялар томонидан “хавфсизлик чораси” ёки ахлоқ тузатиш чоралари сифатида қамоқда сақланаётган маҳбусларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2. Қоидаларнинг II қисмида алоҳида тоифаларга нисбатан қўлланиладиган қоидалар баён этилиб, улар ҳар бир бўлимда келтирилади. Бироқ А бўлимида қайд этилган ва жазога ҳукм этилган маҳбусларга тааллуқли бўлган қоидаларни В, С ва D бўлимларида сўз борадиган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу қоидалар мазкур тоифадаги шахслар учун ишлаб чиқилган қоидаларга зид бўлмаса ва уларнинг аҳволини яхшиласа, тенг даражада қўллаш зарур.

Тўртинчи дастлабки мулоҳаза

1. Қоидалар вояга етмаганларни қамоқда сақлаш марказлари ёки тарбия колониялари сингари ёш болаларга мўлжалланган муассасаларни бошқаришни тартибга солишда татбиқ этилмайди. Шунга қарамай, I қисмни мазкур муассасаларда ҳам қўллаш мумкин.

2. Вояга етмаганлар ишлари бўйича судларнинг ваколатига кирадиган барча ёш маҳбусларни ёш болалар тоифасига киритиш зарур. Одатда, бундай ёшларни қамоқда сақлашга ҳукм қилмаслик лозим.

I. УМУМИЙ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚОИДАЛАР

Асосий тамойиллар

1-қоида

Барча маҳбусларга уларга хос бўлган фазилатларга ва инсон сифатида қадр-қимматига қараб ҳурмат билан муомалада бўлиш зарур. Ҳеч бир маҳбус қийноққа солиниши ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турларига дучор қилинмаслиги керак. Барча маҳбуслар бундай муносабатдан ҳимояланган бўлиши керак ва ҳеч бир ҳолат уларни оқлай олмайди. Маҳбуслар, ходимлар, хизмат кўрсатувчи шахслар ва ташриф буюрувчиларнинг ҳимояси ва хавфсизлиги доим таъминланган бўлиши керак.

2-қоида

1. Ушбу қоидаларни бетарафлик билан қўллаш зарур. Ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, диний, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати, туғма белгилари ёки бошқа ҳолатлар туфайли таҳқирлаш мумкин эмас. Маҳбусларнинг диний эътиқодини ва ахлоқий кўрсатмаларини ҳурмат қилиш зарур.

2. Қамоқхона маъмуриятининг таҳқирлашга йўл қўймаслик тамойилини амалда қўллаш мақсадида маҳбусларнинг, жумладан қамоқда энг заиф маҳбуслар тоифаларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозим. Ўзига хос эҳтиёжларга эга маҳбусларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун чоралар кўришва бундай чоралар таҳқирловчи чоралар бўлмаслиги керак.

3-қоида

Шахсларни қамоқда сақлаш ва уларни оламдан узиб қўядиган бошқа чоралар мазкур шахсларни ўз ўрнини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиши билан ҳам уларга азоб беради. Шу сабабли алоҳида сақлаш ўзини оқлайдиган ёки интизом нуқтаи назаридан талаб қилинган ҳоллардан ташқари бошқа ҳолларда қамоқхона тизими бундай вазиятдан келиб чиқадиган кучлироқ азоб берилишига йўл қўймаслиги керак.

4-қоида

1. Жамиятни жиноятчилардан ҳимоя қилиш ва кўп марта жиноят содир этиладиган ҳолларни камайтириш қамоқда сақлашга ёки шунга ўхшаш тарзда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилишнинг мақсадларидир. Агар қамоқда сақлаш муддатидан имкон қадар бундай шахслар озодликка чиқарилганидан сўнг қонунга итоат қилиб ва мустақил ҳаёт кечириши учун уларни жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида фойдаланилса, бу мақсадларга эришиш мумкин.

2. Шу муносабат билан қамоқхона маъмурияти ва ваколатли органлар таълим олиш, касбга тайёрлаш ва ишлаш учун тегишли ва мавжуд имкониятларни, шунингдек бошқа ёрдам турларини, жумладан тузатиш, ахлоқий, маънавий, ижтимоий, тиббий ва спортга оид ёрдам турларини тақдим этиши зарур. Барча бундай дастурлар, тадбирлар ва хизматлар маҳбусларни қайта тарбиялашда уларнинг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

5-қоида

1. Қамоқхона режими қамоқхонадаги ва озодликдаги ҳаётўртасидаги фарқни имкон қадар камайтиришга интилиши керак. Бундай фарқ маҳбусларнинг жавобгарлик туйғусини камайтиради ёки инсон сифатида уларнинг хислатларини ҳурмат қилади.

2. Қамоқхона маъмурияти жисмоний, руҳий ёки бошқа камчиликларга эга маҳбуслар қамоқхонада тенг ҳуқуқли асосда ҳаёт кечириш имкониятига тўлиқ эга бўлишини таъминлаш учун уларни жойлаштириш ва мослаштириш юзасидан барча мантиқли чораларни кўради.

Маҳбусларнинг шахсий ишлари билан ишлаш тартиби

6-қоида

Қамоқхонанинг барча жойларида маҳбусларнинг шахсий ишлари билан ишлашнинг стандартлаштирилган тизими бўлиши керак. Рўйхатга олишнинг электрон маълумотлар базаси ёки рақам ва имзо қўйилган журнал шундай тизим бўлиши мумкин. Юритиладиган ҳисоб ёзувлари устидан ишончли назоратни таъминлаш ва мазкур тизимда мавжуд бўлган исталган ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг ва ахборотни ўзгартиришнинг олдини олиш учун тартиб-таомиллар назарда тутилган бўлиши керак.

7-қоида

Ҳеч ким қамоққа олиш тўғрисидаги ҳақиқий буйруқсиз қамоққа қабул қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир маҳбус келтирилиши билан уларнинг шахсий ишлари билан ишлаш тизимига қуйидаги ахборот киритилади:

a) маҳбусларнинг ўз жинсий ўзига хослигини қабул қилишини ҳурмат қилган ҳолда уларнинг чинакам шахсини аниқлаш имконини берадиган аниқ маълумотлар;

b) қамоққа олиш сабаблари ва бундай қарор қабул қилиш учун жавобгар орган, шунингдек қамоққа олинган сана, вақт ва жой;

c) қамоққа келтирилган ва қамоқдан чиқарилган, шунингдек қамоқдан-қамоққа кўчирилган кун ва соат;

d) ҳар қандай кўзга кўринадиган тан жароҳатлари ва аввал бўлган қўпол муомала устидан шикоятлар;

e) шахсий ашёларнинг рўйхати;

f) оила аъзоларининг, шу жумладан, мумкин бўлса, болаларининг

исмлари ва уларнинг ёши, жойлашган жойи ва васийлик ёки ҳомийлик мақоми;

g) фавқулодда вазиятда алоқа қилиш учун батафсил ахборот ва маҳбуснинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар.

8-қоида

Маҳбуслар қамоқда бўлган вақтда уларнинг шахсий ишлари билан ишлаш тизимига, мумкин бўлса, қуйидаги ахборот киритилади:

a) суд жараёни билан боғлиқ ахборот, шу жумладан суд эшитувлари саналари ва юридик ваколатхона;

b) дастлабки баҳолаш ва малака тўғрисидаги ҳисоботлар;

c) хулқ-атвор ва интизомга риоя этиш тўғрисидаги ахборот;

d) қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турлари қўлланиши тўғрисидаги илтимослар ва шикоятлар, шу жумладан аризалар (агар улар махфий хусусиятга эга бўлмаса);

e) интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги ахборот;

f) ҳар қандай тан жароҳатлари етказилган ёки ўлимга олиб келган ҳолатлар ва уларнинг сабаблари тўғрисидаги, ўлимга олиб келган бўлса, қолдиқлар белгиланган жой тўғрисидаги ахборот.

9-қоида

7 ва 8-қоидаларда қайд этилган барча ҳисоб ёзувларини ошкор этиш мумкин эмас ва ушбу ёзувлар касбий мажбуриятлари бундай ҳисоб ёзувларидан фойдаланишни талаб қиладиган шахсларгагина тақдим этилади. Ҳар бир маҳбус ички қонун ҳужжатларига мувофиқ рухсат берилган қисқартмалар билан ўзига тегишли бўлган ҳисоб ёзувларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак ва у озод этилганда бундай ҳисоб ёзувларининг расмий кўчирма нусхасини олиш ҳуқуқига эга.

10-қоида

Маҳбусларнинг шахсий ишлари билан ишлаш тизимларидан илмий асослантирилган қарорлар қабул қилиш учун пойдевор яратиш мақсадида қамоқхона контингентини ифодаловчи тенденциялар ва унинг ўзига хос жиҳатлари, шу жумладан пенитенциар муассасалардаги маҳбуслар сони тўғрисида ишончли маълумотлар олиш учун ҳам фойдаланилади.

Тоифаларга бўлиб чиқиш

11-қоида

Ҳар хил тоифадаги маҳбуслар алоҳида муассасаларда ёки айни бир муассасанинг турли қисмларида уларнинг жинси, ёши, аввал судланганлиги, уларни қамоққа олишнинг юридик сабаблари ва тайинланган режим турини инобатга олган ҳолда сақланади; шундай қилиб:

a) эркаклар ва аёлларни имкон қадар алоҳида муассасаларда сақлаш зарур; агар эркаклар ва аёллар айни бир муассасада сақланса, аёлларни бутунлай алоҳида участкаларда сақлаш зарур;

b) судланмаган маҳбусларни жазога ҳукм этилганлардан алоҳида жойлаштириш зарур;

c) қарз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жазога ҳукм этилган шахсларни ва фуқаролик ишлари бўйича бошқа маҳбусларни жиноят содир этган шахслардан алоҳида жойлаштириш зарур;

d) вояга етмаган ҳуқуқбузарларни катталардан алоҳида сақлаш зарур.

Хоналар

12-қоида

1. Маҳбуслар камералар ёки хоналарда тунни ўтказадиган бўлса, ҳар бир маҳбус алоҳида камера ёки хонага эга бўлиши керак. Қамоқхона вақтинча тўлиб кетганлиги билан боғлиқ ўзига хос сабабларга кўра марказий қамоқхона маъмурияти бу қоидани қўлламасликка мажбур бўлади. Икки маҳбусни айни бир камера ёки хонага жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

2. Умумий камералар бор жойда уларга жойлаштириладиган маҳбусларни улар бундай шароитларда яшай олишига ишонч ҳосил қилиш учун яхшилаб текшириш керак. Тунлари қамоқхона хусусиятига қараб мунтазам назорат олиб бориш зарур.

13-қоида

Маҳбуслар фойдаланадиган барча хоналар, айниқса ухлаш учун мўлжалланган хоналар барча санитария талабларига жавоб бериши керак, боз устига иқлим шароитларига, айниқса мазкур хоналарнинг кубометр ҳисобидаги ҳажмига, уларнинг энг минимал майдонига, ёритилишига, иситилишига ва шамоллатилишига зарур эътибор қаратиш зарур.

14-қоида

Маҳбуслар яшайдиган ва ишлайдиган хоналарда:

a) деразалар маҳбуслар кундузги ёруғликда ўқий ва ишлай олиши учун етарлича катта бўлиши керак ҳамда сунъий вентиляция тизими мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар тоза ҳаво кира оладиган қилиб қурилган бўлиши лозим;

b) сунъий чироқлар маҳбуслар кўзига зиён етказмай ўқий ёки ишлай олиши учун етарли даражада ёруғ бўлиши керак.

15-қоида

Санитария қурилмалари ҳар бир маҳбус табиий эҳтиёжини керак бўлган пайт тозаликка ва обод-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда қондира олиши учун етарли миқдорда бўлиши керак.

16-қоида

Ҳаммомлар ва душлар сони ҳар бир маҳбус йил фасли ва географик жойлашувни ҳисобга олган ҳолда умумий гигиена шартлари талаб қилганидек, яъни мўътадил иқлимда бир ҳафтада ҳеч бўлмаса бир марта ҳар бир иқлим учун мос келадиган ҳароратда чўмила олиши ёки душ қабул қила олиши учун етарлича бўлиши керак.

17-қоида

Маҳбуслар мунтазам фойдаланадиган қамоқхонанинг барча қисмлари доим тартибли ва тоза ҳолда сақланиши керак.

Шахсий гигиена

18-қоида

1. Маҳбуслардан улар ўзларини озода сақлашини талаб қилиш керак. Бунинг учун уларни озодалик ва саломатликни сақлаш учун сув ва ювиниш-кийиниш буюмлари билан таъминлаш зарур.

2. Маҳбуслар ташқи кўринишини ўз инсоний қадр-қимматига мос равишда сақлай олиши учун эркакларга мунтазам соқол олиш имкониятини бериб, ўзининг соч турмаги ва соқолига қараш имкониятини тақдим этиш зарур.

Кийим ва кўрпа-тўшаклар

19-қоида

1. Ўз кийимини кийиш ҳуқуқи берилмаган маҳбусларга иқлимга мос келадиган ва уларнинг саломатлигини қониқарли аҳволда сақлаш имконини берадиган формали кийим тўпламини бериш керак. Бу кийим уни таҳқирламаслиги, камситмаслиги лозим.

2. Кийим тоза ва яроқли ҳолда сақланиши керак. Гигиена талабларига мувофиқ кийимни ювиш ва тоза кийимга алмаштириб туриш зарур.

3. Маҳбус ҳокимиятнинг рухсати билан қамоқхонани тарк этадиган алоҳида ҳолларда унга ўз кийимини кийишга ёки кўзга ташланмайдиган бошқа кийим кийишга рухсат бериш зарур.

20-қоида

Агар маҳбусларга ўз кийимини кийишга рухсат берилса, қамоқхонага қабул вақтида кийим тоза ва кийиш учун мос келиши учун чоралар кўриш зарур.

21-қоида

Ҳар бир маҳбус миллий ёки маҳаллий нормаларга мувофиқ етарлича алоҳида кўрпа-тўшакларга эга бўлган алоҳида койка билан таъминлаши зарур. Кўрпа-тўшаклар берилган вақтда тоза бўлиши, яроқли ҳолда сақланиши ва тозаликни таъминлаш учун етарлича тез алмаштирилиши керак.

Овқатланиш

22-қоида

1. Қамоқхона маъмурияти одатий соатларда ҳар бир маҳбусни у соғлиғини ва кучини сақлаб қолиши учун сифати анча яхши ва мазали бўлган ҳамда тўғри солинган етарлича тўйимли овқат билан таъминлаши керак.

2. Ҳар бир маҳбусда эҳтиёж пайдо бўлганида ичимлик суви бўлиши керак.

Жисмоний машқлар ва спорт

23-қоида

1. Тоза ҳавода иш билан машғул бўлмаган ҳар бир маҳбус, агар қулай об-ҳаво шароитида, ҳар куни ҳовлида ҳеч бўлмаса бир соат мос келадиган жисмоний машқлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

2. Жисмоний ҳолати яроқли бўлган вояга етмаган ва ёш маҳбусларга жисмоний машғулот билан шуғулланиш ва машқлар вақтида ўйнаш имкониятини бериш зарур. Бунинг учун зарур майдончалар, қурилмалар ва ускуналар бўлиши керак.

Тиббий-санитария хизматларини кўрсатиш

24-қоида

1. Маҳбусларга тиббий-санитария хизматларини кўрсатиш давлатнинг мажбурияти ҳисобланади. Маҳбуслар жамиятда мавжуд бўлган стандартдаги тиббий-санитария хизматлари билан таъминланган бўлиши ва ҳуқуқий мақоми бўйича ҳеч бир камситишларсиз зарур тиббий-санитария хизматларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

2. Тиббий-санитария хизматларини кўрсатишни давлат соғлиқни сақлаш органлари тизими билан узвий ҳамкорликда ҳамда даволаш ва қаров узлуксизлигини, шу жумладан ОИВ, сил ва бошқа юқумли касалликларни, шунингдек гиёҳвандлик касалини даволаш ва уларга чалинган маҳбусларга қараш узлуксизлигини таъминлай оладиган тарзда ташкил этиш зарур.

25-қоида

1. Ҳар бир қамоқхона муассасасида тиббий-санитария ёрдамига алоҳида эҳтиёж сезадиган ёки уларни реабилитация қилишга тўсқинлик қилаётган соғлиғи билан боғлиқ муаммоларга эга бўлган маҳбусларга кўп эътибор берган ҳолда маҳбусларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини баҳолаш, сақлаш, асраш ва яхшилаш вазифаси юклатилган тиббий-санитария хизмати бўлиши керак.

2. Тиббий-санитария хизмати таркибига тўлиқ клиник мустақилликка эга ҳамда психология ва психиатрия соҳасида етарлича тажриба ва

билимга эга етарли миқдордаги малакали ходимлардан иборат кўп тармоқли бригада киритилиши керак. Ҳар бир маҳбус малакали стоматолог хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

26-қоида

1. Тиббий-санитария хизмати барча маҳбуслар юзасидан аниқ, янгиланган ва махфий шахсий тиббий карталар тузиши ва юритиши керак ҳамда барча маҳбусларга уларнинг талабига кўра ўз тиббий карталаридан фойдаланиш имконияти тақдим этилиши лозим. Маҳбус ўз тиббий картасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун учинчи томонни тайинлаши мумкин.

2. Тиббий карталар маҳбус бошқа муассасага ўтказилган тақдирда қабул қилувчининг тиббий-санитария хизматига берилиши керак, уларда келтирилган тиббий ахборот эса махфий ҳисобланади.

27-қоида

1. Шошилинч ҳолларда барча қамоқхона муассасалари тиббий ёрдамдан зудлик билан фойдаланиш имкониятини бериши керак. Мутахассис хизматларига ёки жарроҳлик аралашувига муҳтож касал маҳбусларни ихтисослаштирилган муассасаларга ёки фуқаролик касалхоналарига ўтказиш зарур. Жазони ижро этиш хизмати ўз касалхоналарига эга бўлса, улар ходимлар билан етарли даражада таъминланган бўлиши ҳамда у ерга юбориладиган маҳбусларга қараш ва уларни даволаш учун жиҳозланган бўлиши керак.

2. Клиник қарорлар жавобгар тиббий мутахассислар томонидан қабул қилиниши мумкин ва тиббиёт соҳасига алоқадор бўлмаган қамоқхона ходими томонидан бекор қилиниши ёки эътиборсиз қолдирилиши мумкин эмас.

28-қоида

Аёлларнинг қамоқхона муассасалари ҳомиладор аёллар ва яқинда туққан аёлларни лозим даражада даволаш ва уларга қараш учун ўзига хос хоналарга эга бўлиши керак. Имконият бор жойда чақалоқни қамоқхонада эмас, балки фуқаролик касалхонасида дунёга келтириш йўлини ахтариш керак. Агар бола қамоқхонада туғилса, бу ҳолатни туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада қайд этмаслик лозим.

29-қоида

1. Болага ота-онасидан бири билан қамоқхонада қолишга рухсат бериш ҳақидаги қарор бола манфаатларини кўзлаб қабул қилиниши керак. Болаларга ота-онасидан бири билан қамоқхонада қолишга рухсат берилган жойда:

а) малакали ходимларга эга болаларга қараб турувчи ички ёки ташқи хизматлар бўлишини таъминлаш, болалар ўз ота-онасининг ғамхўрлигидан фойдаланмаётган даврда уларни мазкур хизматларга жойлаштириш;

b) болаларга махсус тиббий-санитария хизматлари кўрсатилишини, шу жумладан олиб келинганда соғлиғи ҳолати текширилишини ва мутахассислар томонидан уларнинг ўсишини доимий назорат қилишни таъминлаш зарур.

2. Ота-оналаридан бири билан қамоқхонада бўлган болаларга ҳеч қачон маҳбусларга бўлганидек муносабатда бўлмаслик керак.

30-қоида

Шифокор ёки бошқа малакали тиббиёт мутахассислари улар ушбу шифокорга ҳисобот бериши ёки ҳисобот бермаслигидан қатъи назар ҳар бир маҳбусни қабул қилиши, у билан суҳбатлашиши ва у келтирилганидан кейин имкон қадар тезроқ, кейин эса заруратга қараб уни тиббий кўрикдан ўтказиши керак.

Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

a) тиббий-санитария хизматларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва даволаш учун барча зарур чораларни кўриш;

b) келтирилган маҳбуслар қамоқхонага қабул қилинишидан олдин бошидан ўтказган бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай қўпол муомалани аниқлаш;

c) озодликдан маҳрум қилиш туфайли бошидан ўтказаётган руҳий ёки бошқа стрессининг ҳар қандай белгиларини, шу жумладан ўз жонига қасд қилиш ёки ўз аъзосини қасддан жароҳатлаш белгиларини, шунингдек гиёҳванд моддалар, тиббиёт препаратлари ёки алкоголь истеъмол қилиш туфайли юз берган абстиненция аломатларини аниқлаш ҳамда барча зарур якка тартибдаги чораларни кўриш ёки тегишли равишда даволаш;

d) маҳбусларда юқумли касалликлар борлигига шубҳа бўлган ҳолларда бундай маҳбусларнинг клиник ажратиб қўйилишини ва карантин амалда бўлган муддатда даволанишини таъминлаш;

e) зарур бўлса, маҳбусларнинг ишга, жисмоний меҳнатга ва бошқа фаолиятда иштирок этишга яроқлилигини аниқлаш.

31-қоида

Шифокор ёки бошқа малакали тиббий мутахассислар барча касал маҳбуслар, жисмоний ёки руҳий саломатлиги билан боғлиқ муаммолардан ёки жароҳатлардан шикоят қилаётган барча маҳбуслар ва уларнинг алоҳида эътиборини тортган исталган маҳбуснинг соғлиғини ҳар куни кўздан кечириш имкониятига эга бўлиши керак. Барча тиббий кўриклар тўлиқ махфий шароитларда ўтказилиши керак.

32-қоида

1. Шифокор ёки бошқа тиббий мутахассислар ҳамда маҳбуслар ўртасидаги муносабатлар жамиятда беморларга нисбатан қўлланиладиган ахлоқий ва касбий стандартлар билан тартибга солиниши керак. Жумладан:

a) маҳбусларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини асраш мажбурий

ҳамда касалликни дастлабки клиник шартлари асосидагина даволаш лозим;

b) маҳбусларнинг ўз саломатлигига мустақил ёндашиш ҳамда шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатларда онгли розилик тамойилига риоя этиш керак;

c) тиббий ахборот беморга ёки бошқа шахсларга чинакам ва тўғридан-тўғри хавф солмаса, махфий сақланиши керак;

d) қийноққа солишни ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турлари қўлланишини ифодалаши мумкин бўлган ҳаракатларда, шу жумладан маҳбуснинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган тажрибаларда, масалан, маҳбуснинг ҳужайралари, организмидаги тўқималари ва органларини олишда фаол ёки нофаол иштирок этишни мутлақо тақиқлаш зарур.

2. Ушбу қоиданинг 1 (d) банди низомларини бузмай, маҳбуслар эркин ва онгли равишда розилик бериши шарт билан ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳбусларга, агар бу уларнинг соғлиғига бевосита ва жиддий фойда келтирадиган бўлса, клиник синовларда ва жамиятда қўлланиладиган бошқа тиббий тадқиқотларда иштирок этишга, шунингдек қариндошлари учун ҳужайралар, организм тўқималари ва органларни етказиб берувчи донорлар бўлиб хизмат қилишга рухсат берилиши мумкин.

33-қоида

Шифокор маҳбус узоқ вақт қамоқда бўлиши натижасида ёки қамоқда сақлашнинг бирор-бир шартлари туфайли унинг жисмоний ёки руҳий саломатлиги бузилган ёки бузилиши мумкин деб ҳисобласа, ҳар сафар бу ҳақда қамоқ муассаси директорига маълумот беради.

34-қоида

Агар маҳбус келтирилганида уни тиббий кўрикдан ўтказиш ёки унга тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида тиббий мутахассисларга қийноққа солинганликдан ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турлари қўлланганлигидан дарак берадиган бирор-бир белги маълум бўлиб қолса, улар бундай ҳолларни ҳужжатларда қайд этиши ва бу ҳақда ваколатли тиббий, маъмурий ёки суд органларига хабар бериши керак. Маҳбусга ёки у билан боғлиқ шахсларга зиён етказмаслик учун зарур процессуал кафолатларга риоя этиш зарур.

35-қоида

1. Шифокор ёки соғлиқни сақлаш соҳасининг ваколатли давлат органи мунтазам текширув ўтказиши ва қуйидаги масалалар юзасидан директорга хабар бериши шарт:

a) таом миқдори, сифати, уни тайёрлаш ва тарқатиш шароитлари;

b) муассаса ва маҳбуслар гигиенаси ҳамда тозалиги;

c) қамоқхона муассасасидаги санитария, иситиш, ёритиш ва вентиляция;

d) маҳбуслар кийим ва кўрпа-тўшакларининг яроқлилиги ва тозалиги;

e) бу иш ихтисослаштирилган ходимларга юкланмаган ҳолларда жисмоний тарбия ва спортга оид қоидаларга риоя қилиш.

2. Қамоқхона директори ушбу қоиданинг 1-банди ва 33-қоидага мувофиқ ўзига юбориладиган маслаҳат ва маърузаларни эътиборга олиши ҳамда ушбу маърузаларда келтирилган маслаҳатлар ва тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан дарҳол чоралар кўриши керак. Агар ушбу маслаҳат ва тавсиялар қамоқхона директори ваколатларига кирмаса ёки у маслаҳат ва тавсияларга қўшилмаса, директор юқори турувчи органга дарҳол ўз маърузасини ёки шифокор ёки соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатли давлат органининг тавсияларини тақдим этиши керак.

Чекловлар, интизом ва жазо чоралари

36-қоида

Ишончли назоратни, қамоқхона муассасасининг хавфсиз ишлашини ва унда яшаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун зарур бўлган чекловларнигина жорий этиб, интизом ва тартибни қўллаб-қувватлаш зарур.

37-қоида

Қуйидаги жиҳатлар доим ваколатли маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиниши керак:

a) интизомий қоидабузарликни ифодалайдиган хулқ-атвор;

b) маҳбусларга қўлланилиши мумкин бўлган жазо чоралари тури ва давом этиши;

c) бундай жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган орган;

d) хоҳ интизомий жазо сифатида бўлсин, хоҳ тартиб ва хавфсизликни сақлаш учун бўлсин маҳбусларнинг умумий контингентидан мажбуран айиришга, масалан, ёлғиз ўзини қамаб қўйиш, ажратиш, сегрегация, карцерга жойлаштириш ёки сақлаш шартларини чеклашга қаратилган ҳар қандай чоралар, шу жумладан ҳар қандай мажбуран ажратиш чораларидан фойдаланишни ва уларни қўллаш ҳамда бекор қилиш тартибини қайта кўриб чиқишни тартибга соладиган тамойиллар ва тартиб-таомилларни жорий этиш.

38-қоида

1. Қамоқхона маъмуриятига интизомий қоидабузарликларнинг олдини олиш ёки низоларни бартараф этиш учун низоларга йўл қўймаслик, воситачилик қилиш механизмларидан ёки низоларни ҳал этишнинг исталган бошқа муқобил усулларидан имкон қадар фойдаланиш тавсия этилади.

2. Ҳозир ажратиб қўйилган ёки аввал ажратиб қўйилган маҳбусларга нисбатан қамоқхона маъмурияти уларни қамоқда сақлаш билан боғлиқ

салбий оқибатларни камайтириш учун зарур чоралар кўради.

39-қоида

1. Маҳбусларга нисбатан жазо чоралари қонун ҳужжатларида ёки 37-қоидада қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган шартлар ҳамда адолат ва зарур ҳуқуқий тартиб-таомил тамойиллари асосида жорий этилиши мумкин. Маҳбус ҳеч қачон айни бир қоидабузарлик учун такрорий жазога тортилмаслиги керак.

2. Қамоқхона маъмурияти интизомий жазо ва бундай жазо тайинланишига сабаб бўладиган қоидабузарлик тенг бўлишини таъминлаши ҳамда барча кўрилган интизомий чораларнинг зарур ҳисобини юритиши керак.

3. Қамоқхона маъмурияти интизомий жазо беришдан аввал маҳбуснинг руҳий касаллиги ёки унинг ақлий заифлиги унинг хулқига ва интизомий жазо қўллаш учун сабаб бўлган қоидабузарликни ва қилмишни содир этишга таъсир этган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши керак. Қамоқхона маъмурияти маҳбуснинг руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги оқибатида содир этилган деб ҳисобланган бирор-бир қилмиш учун жазо чораларини тайинламаслиги лозим.

40-қоида

1. Маҳбусларни қамоқхона муассасасига хизмат кўрсатишга доир ишларга интизомий тартибда тайинламаслик лозим.

2. Бироқ бу қоида ўзини ўзи бошқариш тизими лозим даражада ишлашига тўсқинлик қилмаслиги керак. Бундай тизимда ижтимоий, таълим ёки спорт фаолиятининг муайян турлари учун жавобгарлик уларни қайта тарбиялаш мақсадида ташкил этиладиган гуруҳлар таркибида назорат остида ишлайдиган маҳбусларнинг ўзига юклатилади.

41-қоида

1. У ёки бу маҳбус томонидан интизомий қоидабузарлик содир этилгани тўғрисидаги ҳар қандай аризалар дарҳол ваколатли орган эътиборига етказилиши керак. Бу орган уларни кечикмай текшириши керак.

2. Маҳбусларни уларга қўйилаётган айбловларнинг хусусиятини улар тушунадиган тилда дарҳол етказиш зарур ҳамда улар ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарлича вақт ва шарт-шароитлар билан таъминланиши керак.

3. Маҳбусларга одил судлов манфаатлари талаб қилганда, жумладан интизомни жиддий бузганликда айблаш билан боғлиқ ҳолларда ўзини шахсан ёки юридик ёрдамдан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилишга рухсат берилади. Агар маҳбуслар интизомий текширув доирасида суд текшируви олиб борилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда сўзлашишни билмаса, уларга малакали таржимоннинг ёрдами бепул тақдим этилади.

4. Маҳбуслар ўзларига берилган интизомий жазони судда қайта кўриб чиқишга эришиш имкониятига эга бўлиши керак.

5. Интизомнинг бузилиши жиноят сифатида таъқиб қилинган ҳолларда маҳбуслар жиноий суд ишини юритишга нисбатан қўлланиладиган барча зарур процессуал кафолатлардан фойдаланиш, шу жумладан адвокат хизматларидан монеликсиз фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

42-қоида

Ушбу қоидаларда кўриб чиқилаётган маҳбусларни қамоқхонада сақлашнинг умумий шарт-шароитлари, шу жумладан ёритиш, вентиляция, ҳарорат, санитария, овқатланиш, ичимлик суви билан таъминлаш, ҳовлида сайр қилиш ва жисмоний машқлар қилиш имконияти, шахсий гигиена, саломатликни асраш ва зарур шахсий макон ажратиш билан боғлиқ шарт-шароитлар ҳеч бир истисносиз барча маҳбусларга яратиб берилиши керак.

43-қоида

1. Ҳеч бир ҳолатда қийноққа солишга ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турларига тенг чекловлар ёки интизомий жазоларни қўллаш мумкин эмас. Жумладан, қуйидаги амалиёт турларини қўллашни тақиқлаш зарур:

a) номаълум муддатга ёлғиз ўзини қамаб қўйиш;

b) узоқ вақтга ёлғиз ўзини қамаб қўйиш;

c) маҳбусни чироқ бўлмаган камерага ёки доим ёритиб туриладиган камерага жойлаштириш;

d) маҳбусга тан жазосини қўллаш ёки унинг овқат рационини ёки ичимлик сувини камайтириш;

e) жамоавий жазо.

2. Интизомий қоидабузарликлар учун жазо чоралари сифатида тинчлантирувчи воситаларни ҳеч қачон қўллаш мумкин эмас.

3. Интизомий жазолар ёки чекловчи чоралар маҳбуснинг оиласи билан алоқасини тақиқлашни ўз ичига олмаслиги керак. Оиласи билан алоқаларни чеклаш узоқ давом этмайдиган муддатга ҳамда бу хавфсизлик ва тартибни сақлаш учун талаб этилгандагина ўрнатилиши мумкин.

44-қоида

Ушбу қоидаларнинг мақсадлари учун ёлғиз ўзини қамаб қўйиш кунига 22 соат ёки ундан кўпроқ вақт мобайнида маҳбусларга одамлар билан мазмунли алоқада бўлиш имконини бермай, уларнинг эркинлигини чеклашни англатади. Узоқ вақт ёлғиз ўзини қамаб қўйиш кетма-кет 15 кундан ортиқ муддат давомида ёлғиз ўзини қамаб қўйишни англатади.

45-қоида

1. Ёлғиз ўзини қамаб қўйишни алоҳида ҳолларда имкон қадар қисқа муддат давомида мустақил назорат қилиб туриш шарти билан ва ваколатли органнинг рухсати билан энг қаттиқ чора сифатида қўллаш зарур. Бу жазо маҳбусга чиқарилган ҳукм туфайли қўлланмаслиги керак.

2. Ёлғиз ўзини қамаб қўйиш шаклидаги жазо руҳий ҳолати бузилган ёки жисмоний нуқсонларга эга маҳбусларга нисбатан, агар бундай чораларнинг қўлланилиши улар ҳолатининг ёмонлашишига олиб келса, тақиқланиши керак. Аёллар ва болалар билан боғлиқ ҳолларда ёлғиз ўзини қамаб қўйишни ва шунга ўхшаш чораларни қўллаш аввалгидек тақиқланган. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасидаги бошқа стандартлари ва нормаларида сўз боради[28].

46-қоида

1. Тиббиёт ходимлари интизомий жазолар тайинлашда ёки бошқа чекловчи чоралар кўришда иштирок этмаслиги керак. Бироқ улар мажбурий ажратиб қўйишнинг ҳар қандай шаклига дучор қилинган маҳбусларнинг соғлиғига алоҳида эътибор қаратиши, шу жумладан бундай маҳбусларнинг олдига ҳар куни бориши ва уларнинг ёки қамоқхона ходимларининг илтимосига кўра зарур тиббий ёрдам бериши ва даволаши керак.

2. Тиббиёт ходимлари интизомий жазоларнинг ёки бошқа чекловчи чораларнинг бундай жазоларга ёки чораларга дучор қилинган маҳбуснинг жисмоний ёки руҳий соғлиғига ҳар қандай салбий таъсири ҳақида директорга дарҳол хабар бериши ва агар улар жазони ёки жазо чорасини маҳбуснинг жисмоний ёки руҳий ҳолати туфайли тўхтатиш ёки ўзгартириш зарур деб ҳисобласа, ўз фикрини директорга етказишлари керак.

3. Тиббиёт ходимлари маҳбусни мажбуран ажратиб қўйиш унинг соғлиғи ёмонлашишига ёхуд бузилган руҳий ҳолати ёки жисмоний нуқсонлари кучайишига олиб келмаслиги учун маҳбусни ажратиб қўйиш тартибига ўзгартишлар киритишни кўриб чиқиш ва тавсия қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Тинчлантириш воситалари

47-қоида

1. Қадр-қимматни таҳқирлайдиган ёки оғриқ берадиган кишанлардан, занжирлардан ёки бошқа тинчлантириш воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш керак.

2. Тинчлантиришнинг бошқа воситаларидан, агар бунга қонунда рухсат берилган бўлса, қуйидаги ҳоллардагина фойдаланиш зарур:

a) маҳбуслар суд органлари ёки маъмурий органлар олдида кишандан озод этилиши шарти билан ташиш вақтида қочиб кетишнинг олдини олиш учун;

b) агар бошқа назорат чоралари самарасиз бўлиб, маҳбусга ўзига ёки

[28]Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодлиги чекланган вояга етмаганларни ҳимоя қилишга доир Қоидаларининг 67-қоидасига (45/113 резолюция, илова) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёл маҳбуслар билан муомала қилишга ва аёл-ҳуқуқбузарлар учун озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига доир қоидаларининг 22-қоидасига (Бангкок қоидалари) (65/229 резолюция, илова).

бошқаларга зарар етказишига ёки моддий зиён етказишига халақит бериш керак бўлганда қамоқхона директори буйруғи билан; бундай ҳолларда директор дарҳол шифокорни ёки бошқа малакали тиббиёт ходимларини огоҳлантиради ва юқори турувчи маъмурий органга маълумот тақдим этади.

48-қоида

1. Агар тинчлантириш воситаларидан фойдаланиш 47-қоиданинг 2-бандига мувофиқ рухсат этилган бўлса, қуйидаги тамойиллар қўлланилади:

a) ҳеч бир чекловсиз ташиш билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш учун назоратнинг нисбатан юмшоқроқ шакллари самарасиз бўлиб чиқса, тинчлантириш воситаларидан фойдаланиш керак;

b) тинчлантириш усули юзага келадиган хавф-хатарлар даражаси ва хусусиятини ҳисобга олган ҳолда маҳбусни ташишни назорат қилиш учун зарур ва қўллаш мумкин бўлган чораларнинг энг юмшоқ усули бўлиши керак;

c) тинчлантириш воситаларидан фақат зарур вақт мобайнида фойдаланиш керак ва улар ҳеч бир чекловсиз ташиш билан боғлиқ хавф-хатар йўқ бўлиши билан имкон қадар тезроқ ечиб ташланиши керак.

2. Тинчлантириш воситаларини ҳеч қачон аёлларга нисбатан тўлғоқ вақтида, туғиш вақтида ва туғгандан кейин дарров қўлламаслик керак.

49-қоида

Қамоқхона маъмурияти тинчлантириш воситаларидан фойдаланиш заруратига имкон қолдирмайдиган ёки уларнинг кескин хусусиятини камайтирадиган назорат усулларидан фойдаланишга, шунингдек улардан фойдаланишда профессионал тайёргарликни таъминлашга интилиши керак.

Маҳбусларни ва камераларни тинтув қилиш

50-қоида

Маҳбусларни ва камераларни тинтув қилишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли қамоқхона муассасасидаги хавфсизликни таъминлаш зарурлигини эътиборга олган ҳолда халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларга мос келиши ҳамда халқаро стандартлар ва нормаларни ҳисобга олиши керак. Тинтув қилинаётган шахснинг инсоний қадр-қиммати ва шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳурмат қилинган, шунингдек мутаносиблик, қонунийлик ва зарурлик тамойилларига риоя этилишини таъминлаган ҳолда ўтказилади.

51-қоида

Тинтувлар маҳбусни қўрқитиш, даҳшатга солиш ёки шахсий ҳаётининг дахлсизлигига суиқасд қилиш мақсадида ўтказилмаслиги керак.

Ҳисобдорлик мақсадида қамоқхона маъмурияти тинтувлар тўғрисидаги, жумладан тўлиқ ечинтириб ва бадан қисмлари текширилиб ўтказиладиган тинтувлар тўғрисидаги тегишли ҳисоботларни сақлаши керак, шунингдек мазкур тинтувларни ўтказиш сабаблари, уларни ўтказган шахслар тўғрисидаги ахборот ва тинтув натижалари кўрсатилади.

52-қоида

1. Интрузив тинтувлар, шу жумладан тўлиқ ечинтириладиган ва бадан қисмлари текшириладиган тинтувлар ўта зарур ҳолдагина ўтказилиши керак. Қамоқхона маъмуриятига тинтувлар ўтказишнинг интрузив тинтув шакллари билан боғлиқ бўлмаган тегишли муқобил усулларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тавсия этилади. Интрузив тинтувлар ёпиқ эшиклар ортида ва маҳбус билан бир жинсдаги тайёргарликдан ўтган ходим томонидан ўтказилади.

2. Бадан қисмлари текшириладиган тинтувлар маҳбусларни парваришлаш учун асосий жавобгар бўлмаган малакали тиббий мутахассислар ёки ҳеч бўлмаса гигиена, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик стандартларига риоя қилиш масалалари юзасидан тиббий мутахассисларда зарур тайёргарликдан ўтган ходимлар томонидан ўтказилади.

53-қоида

Маҳбуслар ўз иш юритувчига тааллуқли бўлган ҳужжатлардан фойдалана олиши керак ёки уларнинг ихтиёрида қамоқхона маъмурияти фойдалана олмайдиган ҳужжатлар бўлишига рухсат берилиши керак.

Маҳбусларни хабардор қилиш ва улар томонидан шикоятлар тақдим этиш

54-қоида

Қамоқхонага қабул қилишда ҳар бир маҳбусга дарҳол қуйидагиларга оид ёзма ахборотни тақдим этиш зарур:

a) қамоқхона қонун-қоидалари ва қамоқхона муассасасининг амалдаги ички тартиб-қоидалари;

b) маҳбуснинг ҳуқуқлари, шу жумладан ахборот олишнинг рухсат этилган усуллари, юридик маслаҳатлар олиш, шу жумладан юридик ёрдам кўрсатиш тизими орқали маслаҳат олиш, шунингдек ариза ва шикоятлар бериш тартиб-таомиллари;

c) маҳбуснинг мажбуриятлари, шу жумладан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари;

d) маҳбусга қамоқхона муассасасида яшаш шароитларига мослашиш имконини бериш учун зарур бўлган барча бошқа масалалар.

55-қоида

1. 54-қоидада қайд этилган ахборот қамоқхона контингентининг эҳтиёжларига мувофиқ энг кенг фойдаланиладиган тилларда тақдим

этилиши керак. Агар маҳбус ушбу тилларнинг ҳеч бирини тушунмаса, таржимон ёрдамини тақдим этиш зарур.

2. Саводсиз маҳбусларни оғзаки равишда хабардор қилиш зарур. У ёки бу даражадаги маҳбусларга ахборотни уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этиш зарур.

3. Қамоқхона маъмурияти ушбу ахборотнинг қисқача баёнини қамоқхона муассасасидаги ҳамма кира оладиган хоналарнинг кўзга кўринадиган жойига осиб қўйиши керак.

56-қоида

1. Ҳар бир маҳбус ҳар куни қамоқхона муассасаси директорига ёки у ваколат берган ходимга аризалар ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

2. Қамоқхона инспекторлари томонидан инспекциялар ўтказилган вақтда аризалар ёки шикоятлар билан уларга мурожаат қилиш имконияти берилиши керак. Маҳбуслар инспектор билан ёки инспекциянинг бирор-бир бошқа ходими билан эркин ва тўлиқ махфий шароитда, директор ёки муассасанинг бошқа ходимлари йўқлигида гаплашиш имкониятига эга бўлиши керак.

3. Ҳар бир маҳбус мазмун жиҳатидан цензура қилинмаслиги лозим бўлган аризалар ёки шикоятлар билан қамоқхона бошқармаси марказий органларига ва суд ёки бошқа ваколатли органларга, шу жумладан ишни қайта кўриш ёки ҳолатни тўғрилаш юзасидан чоралар кўришга ваколатли органларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

4. Ушбу қоиданинг 1-3-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар маҳбуснинг адвокатига нисбатан ҳам татбиқ этилиши керак. Маҳбусда ҳам, унинг адвокатида ҳам бундай ҳуқуқларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда маҳбуснинг оила аъзоларидан бири ёки иш ҳолатлари билан таниш бўлган ҳар қандай бошқа шахс буни амалга ошириши мумкин.

57-қоида

1. Барча аризалар ва шикоятлар зудлик билан кўриб чиқилиши лозим ва уларга ҳеч бир кечикишсиз жавоб бериш зарур. Ариза ёки шикоят рад этилган ёки асоссиз қолдирилган тақдирда ариза ёки шикоят берувчи уларни суд ёки бошқа органга юбориш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

2. Агар ариза ёки шикоят берувчи илтимос қилса, маҳбус томонидан аризалар ёки шикоятлар хавфсиз ва сир сақланган ҳолда юбориш имкониятини таъминлаш учун кафолатлар назарда тутилган бўлиши керак. 56-модданинг 4-бандида қайд этилган маҳбус ёки бошқа шахс ариза ёки шикоят берганлиги туфайли қасос олиш, қўрқитиш ёки ўзгача салбий таъсирга дучор қилинмаслиги керак.

3. Маҳбусларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турлари тўғрисидаги фикрлар зудлик билан кўриб чиқилиши ҳамда 71-қоиданинг 1 ва

2-бандларига мувофиқ мустақил давлат органи томонидан тез ва холис кўриб чиқилиши керак.

Ташқи дунё билан алоқалар

58-қоида

1. Маҳбусларга мунтазам равишда вақт оралиғида ва лозим даражадаги назорат остида ўз оиласи ёки дўстлари билан қуйидагича мулоқот қилиш имконияти берилиши лозим:

a) хат ёзишмалари воситасида ва, башарти шундай имконият бўлса, телекоммуникация, электрон, рақамли ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда; ва

b) учрашувлар чоғида.

2. Эр-хотин ўртасидаги учрашувларга рухсат берилган тақдирда бу ҳуқуқ бирор-бир камситишсиз қўлланилиши керак ва аёл маҳбуслар бу ҳуқуқни эркаклар билан тенг равишда амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак. Ушбу ҳуқуқдан адолатли ва тенг фойдаланиш учун хавфсизликни таъминлаш ва инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш масалаларини лозим даражада ҳисобга олган ҳолда тартибот назарда тутилиши ва хоналар ажратилиши лозим.

59-қоида

Маҳбуслар мумкин қадар ўз уйлари ёки ижтимоий мослашув жойлари ёнидаги қамоқхона муассасаларига жойлаштирилиши лозим.

60-қоида

1. Қамоқхона муассасасига ташриф буюрувчиларнинг киришига рухсат берилиши ташриф буюрувчиларнинг кўрикдан ўтказилишига розилигига боғлиқдир. Ташриф буюрувчи исталган вақтда розилик бериш қарорини ўзгартириши мумкин ва бундай ҳолатда қамоқхона маъмурияти унинг киришига рухсат беришни рад қилиши мумкин.

2. Ташриф буюрувчиларнинг кўрикдан ўтказилиши ва киришига рухсат берилиши жараёнлари камситадиган бўлмаслиги лозим ҳамда камида 50-52-қоидаларда баён қилингани каби ҳимоя тусига эга бўлиши керак. Бадан қисмларини ўрганиш билан боғлиқ тинтувлар ўтказмаслик ва бундай тинтувларни болаларга нисбатан ҳеч қачон қўлламаслик зарур.

61-қоида

1. Маҳбусларга ҳеч қандай кечиктириш, аралашув ёки цензурасиз ва ҳар қандай юридик масала юзасидан тўлиқ сир сақланган шароитда қўлланиладиган ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг шахсий танлови бўйича адвокат ёки юридик ёрдам кўрсатадиган шахс билан учрашув, мулоқот ва маслаҳатлашувлар учун зарур имконият, вақт ва шароитлар тақдим этилиши лозим. Маслаҳатлашувлар кўзга кўриниб турадиган, бироқ қамоқхона ходимлари эшита олмайдиган жойда ўтказилиши мумкин.

2. Маҳбуслар маҳаллий тилда сўзлашмайдиган ҳолларда қамоқхона маъмурияти мустақил малакали таржимон хизматларидан фойдаланиш имкониятини бериши керак.

3. Маҳбуслар самарали юридик ёрдамдан фойдалана олиши лозим.

62-қоида

1. Қамоқда сақланаётган ажнабий фуқароларга ўз мамлакати дипломатик ва консуллик вакиллари билан алоқада бўлиш учун мақбул имконият яратиб берилиши лозим.

2. Мазкур давлатда дипломатик ёки консуллик ваколатхонаси бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари ҳисобланган маҳбуслар, шунингдек қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар улар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатик ваколатхоналари ёки уларнинг ҳимояси билан шуғулланаётган ҳар қандай миллий ёки халқаро орган билан алоқада бўлиб туриш имкониятига эга бўлиши лозим.

63-қоида

Маҳбусларга газета, журналлар ёки алоҳида қамоқхона нашрларини ўқишга, радио эшитишга ва лекцияларда иштирок этишга рухсат бериб ёки қамоқхона маъмурияти органлари томонидан йўл қўйиладиган ва назорат қилинадиган бошқа воситалар ёрдамида маҳбусларнинг эътиборига мунтазам равишда энг муҳим янгиликларни етказиб туриш лозим.

Китоблар

64-қоида

Ҳар бир қамоқхона муассасаси барча тоифадаги маҳбуслар фойдалана оладиган ва ҳам ҳордиқ чиқариш, ҳам таълим олиш имконини берадиган китоблардан иборат кутубхонага эга бўлиши керак.

Дин

65-қоида

1. Агар етарли миқдордаги айни бир динга эътиқод қилувчи маҳбуслар қамоқхона муассасасига жойлашган бўлса, мазкур диннинг малакали руҳонийсини тайинлаш ёки унга у ерда тегишли маросимлар ўтказишга рухсат бериш керак. Агар бундай маҳбусларнинг сони анча кўп бўлиб, тегишли имкониятлар мавжуд бўлса, бундай руҳонийни тўла вақтга тайинлаш лозим.

2. Тайинланадиган ёки мазкур қоиданинг 1-бандига асосан қамоқхона муассасасига киришга рухсат бериладиган малакали дин руҳонийси мунтазам равишда диний маросимларни амалга ошириш имконига эга бўлиши ва бунинг учун ажратилган вақтда ўз динига мансуб маҳбуслар билан вақти-вақти билан ёлғиз диний суҳбатлар қуриш учун уларнинг олдига бориши керак.

3. Маҳбусларни ҳар қандай дин малакали вакилидан фойдалана олиш

имкониятидан маҳрум қилиш мумкин эмас. Бошқа томондан, агар маҳбус дин руҳонийси ташрифини рад қилса, унинг нуқтаи назарига тўла ҳурмат билан ёндашиш лозим.

66-қоида

Амалдаги имконият доирасида ҳар бир маҳбус қамоқхона муассасаси деворларида диний маросимларда иштирок этган ва диний эътиқодига хос диний ёзувларга эга бўлган ҳолда ўз диний эҳтиёжларини қондиришига рухсат берилиши керак.

Маҳбусларнинг мол-мулки сақланиши

67-қоида

1. Маҳбус қамоқхона муассасасига қабул қилинганида қамоқхона муассасасида амал қиладиган қоидаларга биноан маҳбус ёнида сақлаш ҳуқуқига эга бўлмаган пул, қимматбаҳо буюмлар, кийим ва бошқа ашёлар сақлаш учун топширилади. Бундай мол-мулк рўйхати маҳбус томонидан имзоланади. Ва у яхши ҳолатда сақланиши чоралари кўрилиши лозим.

2. Маҳбус озод этилганида унга тегишли бутун мол-мулк ва пуллар қайтариб берилиши лозим, унга сарфлаш рухсат этилган суммалар, қамоқхона муассасаси ташқарисига юбориш рухсат этилган ашёлар ёки санитария мақсадида йўқ қилиниши лозим бўлган кийим бундан мустасно. Маҳбус ўзига тегишли пул ва ашёлар олганлиги учун имзо қўяди.

3. Бу маҳбуснинг мазкур муассасада бўлган вақтда оладиган ҳар қандай пул ва ашёларга ҳам тааллуқлидир.

4. Агар маҳбус дори ёки дори воситаларига эга бўлса, уларни нима қилиш ҳақидаги қарор шифокор ёки бошқа малакали тиббий ходим томонидан қабул қилинади.

Хабарномалар

68-қоида

Ҳар бир маҳбус ўзининг қамоқда сақланаётгани, бошқа муассасага ўтказилаётгани ва ҳар қандай жиддий касаллиги ёки тан жароҳати тўғрисида зудлик билан ўз оиласи ёки алоқа учун шахс сифатида тайинланган бошқа шахсни хабардор қилиш ҳуқуқига ҳамда имкониятига ва воситаларига эга бўлиши керак.

69-қоида

Маҳбус вафот этган тақдирда қамоқхона муассасаси директори бу ҳақда маҳбуснинг яқин қариндошини ёки фавқулодда вазиятда алоқа учун шахсни хабардор қилади. Маҳбуснинг соғлиғи ҳақидаги ахборот олиш мақсадида маҳбус томонидан кўрсатилган шахслар унинг жиддий касаллиги, тан жароҳати ёки тиббий муассасага ўтказилгани ҳақида директор томонидан хабардор қилинади. Маҳбуснинг касаллиги ёки тан жароҳати ҳақида хотини ёки эрини ёхуд яқин қариндошини хабардор

қилмаслик бўйича аниқ ифодаланган илтимосини ҳурмат қилиш зарур.

70-қоида

Қамоқхона маъмурияти маҳбуснинг яқин қариндоши ёки бошқа аҳамиятли яқин кишисининг жиддий касаллиги ёки вафоти ҳақида уни дарҳол хабардор қилади. Агар вазият имкон берса, маҳбусга яқин қариндоши ёки бошқа аҳамиятли яқин кишиси жиддий касал бўлган тақдирда уларнинг олдига қўриқлаш остида ёки мустақил равишда ташриф буюришга ёхуд яқин қариндоши ёки бошқа аҳамиятли шахсни дафн қилиш маросимида иштирок этишга рухсат бериш лозим.

Тергов қилиш

71-қоида

1. Ички тергов қилиш бошланишидан қатъи назар қамоқхона муассасасининг директори маҳбус вафот этган, йўқолган ёки унга оғир тан жароҳати етказилган ҳар қандай ҳолат ҳақида қамоқхона маъмуриятига тобе бўлмаган ва бундай вазиятни ва унинг сабабаларини тез, холисона ва самарали тергов ўтказиш топширилган суд ёки бошқа ваколатли органни дарҳол хабардор қилади. Қамоқхона маъмурияти ушбу орган билан тўлиқ даражада ҳамкорлик қилиши ва барча далилларнинг бут сақланишини таъминлаши керак.

2. Расмий шикоят олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар ушбу қоиданинг 1-бандида кўрсатилган мажбурият расман шикоят тушгани ёки тушмаганидан қатъи назар қамоқхона муассасасида қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турлари қўлланган деб ҳисоблаш учун асослар бўлган барча ҳолларда тенг равишда қўлланади.

3. Агар мазкур қоиданинг 2-бандида элатиб ўтилган ҳаракатлар юз берди деб ҳисоблаш учун оқилона асослар мавжуд бўлса, барча потенциал алоқадор шахслар бирор-бир тарзда тергов билан боғлиқ бўлмаслиги ҳамда гувоҳлар, жабрланувчи ёки жабрланувчининг оиласи билан ҳеч қандай алоқада бўлмаслиги учун дарҳол чоралар кўрилади.

72-қоида

Қамоқхона маъмурияти вафот этган маҳбуснинг жасадига лозим даражада ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак. Вафот этган маҳбуснинг жасади оқилона, қисқа муддатларда ва кечи билан тергов муддати тугаганидан сўнг унинг яқин қариндошларига қайтариб берилиши керак. Дафн қилиш маросимини ўтказиш истагида ёки бунга қодир бўлган бошқа масъул тараф бўлмаса, қамоқхона маъмурияти бундай маросим маданий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ўтказилишига кўмаклашиши керак ҳамда ушбу масала бўйича барча материалларни сақлаши лозим.

Маҳбусларнинг бошқа жойга кўчирилиши

73-қоида

1. Маҳбуслар қамоқда сақлаш жойларига юборилганида ёки бир қамоқда сақлаш жойидан бошқасига ўтказилганида имкон қадар ўзгаларнинг нигоҳи уларга тушишининг олдини олиш ва уларни ҳақоратлашдан, атрофдагиларнинг уларга бўлган қизиқишидан ва ошкораликнинг ҳар қандай турларидан ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўриш лозим.

2. Маҳбусларни етарли даражада шамоллатилмайдиган ёки ёритилмайдиган ёки бошқа ҳар қандай жисмоний жиҳатдан оғир шароитларда кўчиришни тақиқлаш лозим.

3. Маҳбуслар қамоқхона маъмурияти ҳисобига кўчирилади, бунда уларнинг кўчирилиши барча учун бир хил шароитда амалга оширилиши керак.

Муассасалар ходимлари

74-қоида

1. Қамоқхона маъмурияти барча тоифадаги ходимларни синчиклаб танлаш ҳақида қайғуриши керак, чунки қамоқхона муассасасини лозим даражада бошқариш ушбу ходимларнинг ҳалоллиги, инсонпарварлиги, билимлилиги ва шахсий фазилатларига боғлиқ.

2. Қамоқхона маъмурияти ўз ходимларига ва умуман жамоатчиликка мазкур иш катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигига ишончни изчиллик билан сингдириши керак. Бундай ишончни мустаҳкамлаш учун қамоқхона маъмурияти ижтимоий ахборот имкониятларидан фойдаланиши керак.

3. Юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ходимларни давлат хизматчилари мақомидан фойдаланадиган ҳамда хулқи яхши, иши самарали ва зиммасига юклатиладиган вазифаларни бажаришга жисмонан қодир бўлса, ўз лавозимида сақлаб қолинишига ишонадиган махсус қамоқхона ходими сифатида тўлиқ иш вақтига тайинлаш лозим. Уларнинг иш ҳақи бу иш билан шуғулланишга қодир эркак ва хотин қизларни жалб қилиш ва унда сақлаб қолиш мўлжали билан белгиланиши керак. Мазкур ишнинг жуда оғир шароитларини эътиборга олиб, бу кишиларга тегишли меҳнат имтиёзлари ва шароитларини таъминлаш лозим.

75-қоида

1. Қамоқхонанинг барча ходимлари етарли даражада маълумотга ҳамда ўз вазифаларини профессионал бажариш имкониятига ва воситаларига эга бўлиши керак.

2. Ишга киришдан олдин барча ходимлар қамоқхона ходимларининг умумий ва муайян вазифаларини ҳисобга олган ҳолда тайёргарликдан ўтиши керак ва бу жиноят-ҳуқуқ фанлари бўйича энг яхши, замонавий, асосланган амалиётни ўзида акс эттириши лозим. Ўқиш сўнгида назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган номзодларгина қамоқхона муассасаларига ишга қабул қилиниши керак.

3. Қамоқхона маъмурияти ўз ходимлари ишга қабул қилинганидан кейин ва келгусидаги бутун фаолияти давомида уларнинг билимлари ва профессионал малакасини сақлаш ва ошириш мақсадида ишдан ажралмаган ҳолда ўқув курсларини доимий тарзда ташкил қилиши керак.

76-қоида

1. 75-қоиданинг 2-бандида айтилган тайёргарлик камида қуйидаги масалалар бўйича ўқишдан иборат бўлиши керак:

a) ўз ишида ва маҳбуслар билан алоқаларда қамоқхона ходимлари қоидаларига амал қилиши лозим бўлган тегишли миллий қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва сиёсат, шунингдек қўлланиладиган халқаро ва минтақавий ҳужжатлар;

b) қамоқхона ходимлари ўз вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан барча маҳбусларнинг инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва тақиқланган хулқ турлари, хусусан қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирлайдиган муомала ёки жазо турлари;

c) қўриқлаш ва хавфсизлик, шу жумладан динамик хавфсизлик концепцияси, куч ва тинчлантириш воситаларини қўллаш ҳамда музокара ва воситачилик каби огоҳлантирувчи усулларни ва вазиятни енгиллаштириш усулларини лозим даражада ҳисобга олиб, агрессив ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш;

d) биринчи ёрдам кўрсатиш, маҳбусларнинг руҳий ижтимоий эҳтиёжлари ва қамоқхона шароитларида тегишли динамика, шунингдек ижтимоий ёрдам ва кўмаклашиш, шу жумладан руҳий соғлиқ муаммоларини олдиндан аниқлаш.

2. Муайян тоифадаги маҳбуслар билан ишлаш учун жавоб берадиган ёки махсус вазифаларни бажариш топширилган қамоқхона муассасалари ходимлари тайёргарликдан ўтади, бунинг доирасида тегишли масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

77-қоида

Қамоқхона муассасаларининг барча ходимлари маҳбусларга намуна бўлиши ва уларнинг ҳурматига сазовор бўлиши учун ҳамиша ўзларини шундай тутиши ва ўз вазифаларини шундай бажариши керак.

78-қоида

1. Қамоқхона ходимлари имконият доирасида етарли миқдорда психиатрлар, руҳшунослар, ижтимоий ходимлар, ўқитувчилар ва ҳунармандлик фанлари ўқитувчилари каби мутахассислардан иборат бўлиши керак.

2. Ижтимоий ходимлар, ўқитувчилар ва ҳунармандлик фанлари ўқитувчиларини доимий ходимлар сифатида тайинлаш лозим, лекин тўлиқ иш куни ишламайдиган шахсларни ёки кўнгилли ходимларни ҳам истисно қилмаслик зарур.

79-қоида

1. Ўз характери, маъмурий қобилияти, зарур тайёргарлиги ва тажрибасига кўра етарли даражада малакали бўлган шахсларни қамоқхона муассасалари директорлари лавозимига тайинлаш лозим.

2. Қамоқхона муассасаси директори ўзининг бутун вақтини хизмат вазифаларини бажаришга бағишлаши ва тўлиқ иш ставкасида ишлаши керак. У ўзига топширилган қамоқхона муассасаси ҳудудида ёки бевосита унинг яқинида яшаши керак.

3. Айнан бир директор зиммасига икки ёки бир неча қамоқхона муассасаларини бошқариш юклатилса, у етарли даражада қисқа вақт оралиғида уларнинг ҳар бирига ташриф буюриши шарт. Ушбу муассасаларнинг ҳар бирини бошқаришни шу жойда яшайдиган масъул ходим зиммасига юклаш лозим.

80-қоида

1. Қамоқхона муассасаси директори, унинг ўринбосари ва бошқа аксарият ходимлари маҳбусларнинг кўпчилиги сўзлашадиган тилни ёки уларнинг кўпчилигига тушунарли бўлган тилни билиши керак.

2. Зарур бўлган жойда малакали таржимон хизматларидан фойдаланиш лозим.

81-қоида

1. Ҳам эркаклар, ҳам аёллар сақланадиган қамоқхона муассасаларида аёллар бўлинмаси аёл жинсига мансуб масъул ходим ихтиёрида бўлиши, мазкур бўлинмага кириш калитлари эса унинг қўлида бўлиши лозим.

2. Эркаклардан бирор-бир ходим, агар унга аёл ходим ҳамроҳ бўлмаса, аёллар бўлинмасига киритилмайди.

3. Қамоқдаги аёллар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ва уларни назорат қилишни фақат аёл ходимлар зиммасига юклатиш лозим. Аммо бу эркак ходимларга, хусусан шифокор ва ўқитувчиларга аёлларнинг ахлоқ-тузатиш муассасаларида ёки қамоқхона муассасаларида аёлларга ажратилган бўлинмаларда ўз профессионал вазифаларини бажаришга халақит бермаслиги керак.

82-қоида

1. Қамоқхона ходимлари маҳбуслар билан ўз муносабатларида фақат ўзини ҳимоя қилган тақдирда ёки қочишга уринишлар бўлган, шунингдек қонунчиликка ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган буйруқларга зид бўлган тақдирда куч ишлатиш ҳуқуқига эга. Куч ишлатишга мажбур бўладиган ходимлар зарур доирада қолиши ва бундай воқеалар ҳақида қамоқхона муассасаси директорини дарҳол хабардор қилиши шарт.

2. Қамоқхона муассасалари ходимларининг маҳбусларнинг тажовузкорона мақсадларига чек қўя оладиган махсус жисмоний тайёргарлигини таъминлаш лозим.

3. Қамоқхона муассасаларининг ўз вазифаларини бажаришда бевосита маҳбуслар билан алоқада бўлган ходимлари истисно ҳоллардан ташқари қурол олиб юрмаслиги керак. Бундан ташқари, қамоқхона муассасасининг тегишли тайёргарликдан ўтган ходимларигина қурол олиб юриш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Ички инспекциялар ва ташқи текширувлар

83-қоида

1. Қамоқхона муассасалари ва пенитенциар хизматлар мунтазам инспекцияларининг икки тарафлама тизими мавжуд бўлиши керак:

a) қамоқхона бошқармаси марказий органлари томонидан ўтказиладиган ички ёки маъмурий инспекциялар;

b) ваколатли халқаро ёки минтақавий орган бўлиши мумкин бўлган, қамоқхона маъмуриятидан мустақил орган томонидан ўтказиладиган ташқи текширувлар.

2. Иккала ҳолатда инспекцияларнинг мақсади қамоқхона муассасаларини бошқариш амалдаги қонунларга, норматив ҳуқуқий ҳужжатларга, сиёсат ва тартиб-таомилларга мувофиқ амалга оширилаётганига, уларнинг иши пенитенциар ва тузатиш хизматлари олдида қўйилган вазифаларга мос келишига ва маҳбусларнинг ҳуқуқлари ҳимояланганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат бўлиш керак.

84-қоида

1. Инспекторлар:

a) қамоқда сақлаш жойларида маҳбуслар сони ва бундай жойлар сони ва уларнинг жойлашган ери ҳақидаги ахборотдан, шунингдек маҳбуслар билан муомала қилиш, шу жумладан уларни ҳисобга олиш ҳужжатлари ва қамоқда сақлаш шароитларига тааллуқли тўлиқ ахборотдан фойдалана олиш;

b) ўзлари ташриф буюришни истаган қамоқхона муассасаларини ва суҳбатлашмоқчи бўлган маҳбусларни монеликсиз танлаш, шу жумладан ўз ташаббуси билан режалаштирилмаган инспекцияларни ўтказиш орқали танлаш;

c) ташрифлар мобайнида маҳбуслар ва қамоқхона ходимлари билан гувоҳларсиз ва тўла сир сақланган ҳолда суҳбатлар ўтказиш;

d) қамоқхона маъмурияти ва бошқа ваколатли органларга тавсиялар бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

2. Ташқи текшириш гуруҳлари таркибига ваколатли орган томонидан тайинланадиган малакали ва тажрибали инспекторлар, шу жумладан тиббий мутахассислар кириши керак. Эркаклар ва аёлларнинг баланс вакиллигига етарли эътибор қаратилиши лозим.

85-қоида

1. Ҳар бир инспекция натижалари бўйича ваколатли органга ёзма ҳисобот тақдим этилиши керак. Ташқи текширишлар натижалари бўйича ҳисоботларнинг эълон қилинишига зарур эътибор қаратилиши лозим, бундан маҳбусларнинг ўзлари аниқ тарзда розилигини бермаган шахсий маълумотлари мустасно.

2. Қамоқхона маъмурияти ёки бошқа ваколатли органлар вазиятга қараб оқилона муддат ичида ташқи текшириш натижалари бўйича тавсияларни бажариши ёки бажармаслигини кўрсатиб ўтиши керак.

II. АЛОҲИДА ТОИФАЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚОИДАЛАР

А. МАҲКУМ ҚИЛИНГАН МАҲБУСЛАР

Қўлланма бўладиган тамойиллар

86-қоида

Мазкур қоидаларнинг дастлабки 1-изоҳидан келиб чиқиб, қуйида баён этиладиган қўлланма бўладиган тамойиллар пенитенциар муассасаларни бошқариш лозим бўлган муҳитни ва бу муассасалар амалга оширишга интилиши лозим бўлган мақсадларни акс этади.

87-қоида

Жазо муддатини ўташ якунланишидан олдин маҳбусни жамиятдаги ҳаётга изчил қайтариш чораларини қўриш мақсадга мувофиқ. Озод этилаётганларга қамоқхона муассасасининг ўзида ёки бирор-бир бошқа муассасада алоҳида режим жорий этиб ёки маҳбусларни синов муддатига озод қилиб, ҳар бир ҳуқуқбузар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу мақсадга эришиш мумкин. Синов муддати давомида ҳам улар назорат остида қолади, бироқ бундай назорат полиция ҳокимиятига юкланмаслиги ва самарали ижтимоий ёрдам билан уйғун бўлиши лозим.

88-қоида

1. Маҳбуслар билан муомала қилаётиб, улар жамиятдан ажратиб олинганини эмас, балки улар ҳали ҳам жамият аъзоси эканини таъкидлаш лозим. Шунинг учун маҳбусларни жамиятдаги ҳаётга қайтариш мақсадида жамоат ташкилотларини мумкин қадар ҳамма ерда қамоқхона ходимлари билан ҳамкорликка жалб қилиш лозим.

2. Ҳар бир қамоқхона муассасаси ҳузурида маҳбуснинг ўз оиласи билан мақбул муносабатларини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақида қайғурадиган ва унга ижтимоий ташкилотлар билан фойда келтириши мумкин бўлган ижтимоий ходимлар бўлиш лозим. Маҳбуслар фуқаролик манфаатлари, ижтимоий таъминот ва бошқа ижтимоий имтиёзлар соҳасидаги ўзларининг қонунга ва ўз ҳукми шартларига имкон қадар мос келадиган ҳуқуқларни сақлаб қолиши учун чоралар кўриш лозим.

89-қоида

1. Ушбу тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилиши маҳбусларга нисбатан индивидуал ёндашувни ва демак-ки, уларни гуруҳлар бўйича таснифлаш ихчам тизими мавжудлигини талаб қилади. Шунинг учун бундай гуруҳлар уларнинг ҳар бири билан ишлаш учун мос бўлган алоҳида қамоқхона муассасаларига жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Бундай қамоқхона муассасаларида ҳар бир гуруҳ учун бир хил

қўриқлаш чораларини кўриш шарт эмас. Гуруҳга қараб бундай чораларни табақалаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Синчковлик билан танланадиган маҳбусларни қайта тарбиялашнинг энг қулай шароитлари очиқ қамоқхона муассасаларида мавжуд бўлиб, у ерда қочишнинг олдини олиш жисмоний воситаларига эмас, балки интизомга ўзини бўйсундиришга урғу берилади.

3. Маҳбусларга нисбатан индивидуал ёндашув қўллаш учун ёпиқ қамоқхона муассасаларида сақланаётган маҳбусларнинг сони унча кўп бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Айрим мамлакатларда бундай қамоқхона муассасаларида маҳбусларнинг сони 500 дан ошмаслиги зарур деб ҳисобланади. Очиқ қамоқхона муассасаларида мумкин қадар камроқ маҳбусларни сақлаш лозим.

4. Бошқа томондан, қамоқхоналарда зарур имкониятлар ва хизмат кўрсатишни таъминлаш мумкин бўлиши учун улар етарли ўлчамга эга бўлиши керак.

90-қоида

Жамиятнинг вазифалари маҳбуснинг озод қилиниши билан якунланмайди. Шунинг учун озодликка чиқарилаётган маҳбуслар дуч келадиган бидъатларга қарши курашиб ва маҳбусларга жамият ҳаётида яна ўрин эгаллашида ёрдам бериб, улар ҳақида чинакам қайғура оладиган давлат ёки хусусий органларга эга бўлиш лозим.

Маҳбуслар билан муомала қилиш

91-қоида

Қамоқда сақлаш ёки бошқа шу каби жазо чорасига ҳукм қилинган шахслар билан муомала қилишда улар ўтаётган муддат давомийлигини ҳисобга олиб, уларга қонунларга бўйсуниш ва озод этилганидан кейин ўз ҳаётини таъминлаш истагини сингдиришга, шунингдек уларга янги ҳаётга мослашишга ёрдам беришга интилиш лозим. Улар билан муомала қилиш уларда ўз қадр-қимматини ҳис қилишни ва ўз масъулиятини англашни мустаҳкамлаши керак.

92-қоида

1. Ҳар бир маҳбуснинг шахсий эҳтиёжларини, ижтимоий ва жиноий ўтмишини, жисмоний ва ақлий қобилиятларини ва имкониятларини, темпераментини, қамоқда сақлаш муддати давомийлигини ва озод этилганидан кейин унинг имкониятларини эътиборга олган ҳолда барча мақбул чораларни кўриш, шу жумладан мумкин бўлган мамлакатларда диний хизмат кўрсатиш, ўқитиш, касбга тайёрлаш ва йўналтириш, муайян ижтимоий ҳолатларни ўрганиш, ишга жойлаштириш соҳасида маслаҳатлашувлар, жисмоний тарбия ва характерни мустаҳкамлаш лозим.

2. Анча узоқ муддатга ҳукм қилинган ҳар бир маҳбусга нисбатан қамоқхона муассасаси директори уни қабул қилгандан кейин мумкин қадар тезроқ мазкур қоиданинг 1-бандида санаб ўтилган масалалар бўйича

батафсил маълумотлар олиши керак. Бу маълумотлар ҳамиша шифокор ёки бошқа малакали тиббий ходимнинг маҳбус жисмоний ва руҳий ҳолати ҳақидаги ҳисоботидан иборат бўлиши керак.

3. Бу ҳисоботлар ва маҳбусга тегишли бошқа ҳужжатлар унинг шахсий ишига тикиб қўйилиши керак. Иш барча янги маълумотлар билан тўлдирилиб турилиши ва зарурат бўлганда тегишли ходимлар унга мурожаат қилиши мумкин бўлган тарзда сақланиши керак.

Таснифлаш ва шахсий хусусиятларини акс эттириш

93-қоида

1. Қуйидагилар таснифлаш мақсадлари ҳисобланади:

a) маҳбусларнининг жиноий ўтмиши ёки характерининг хусусиятларига кўра уларга ёмон таъсир кўрсатиши хавфи бўлганлардан ажратиш;

b) маҳбусларни жамиятдаги ҳаётга қайтариш мақсадида маҳбусларни улар билан ишлашни енгиллаштирадиган тоифаларга бўлиш.

2. Маҳбусларнинг турли тоифалари билан ишлашни имкониятга қараб турли қамоқхона муассасаларида ёки айнан бир қамоқхона муассасасининг турли бўлинмаларида олиб бориш лозим.

94-қоида

Етарли даражада узоқ муддатга маҳкум қилинган ҳар бир маҳбусни қабул қилишдан кейин энг қисқа муддатда унинг характерини ўрганиш асосида унинг шахсий эҳтиёжлари, қобилиятлари ва қизиқишлари ҳақида олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда у билан ишлаш дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Имтиёзлар

95-қоида

Ҳар бир қамоқхона муассасасида имтиёзлар тизимига эга бўлиш лозим ва маҳбусларнинг яхши ахлоқини рағбатлантириш, уларда масъулият ҳиссини ривожлантириш, уларга қайта тарбияланишга қизиқишни сингдириш ва уларнинг ҳамкорлигига эришиш учун ҳар хил тоифадаги маҳбуслар билан муомала қилишнинг турли услубларини ишлаб чиқиш лозим.

Иш

96-қоида

1. Маҳкум қилинган маҳбуслар шифокор ёки бошқа малакали тиббий мутахассислар томонидан жисмоний ва руҳий лаёқатли деб топилган тақдирда ишлаш ва/ёки ўзининг реабилитация қилинишида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлиши керак.

2. Маҳбуслар зиммасига нормал иш кунини тўлдириш учун етарли

фойдали иш юкланиши лозим.

97-қоида

1. Маҳбусларнинг меҳнати уларга азоб бермаслиги керак.

2. Маҳбуслар қулликда ёки мажбурлов ҳолатида сақланмаслиги керак.

3. Ҳеч қайси маҳбус қамоқхона ходимларидан биронтасининг шахсий ёки хусусий фойдасига ишлашга мажбур эмас.

98-қоида

1. Маҳбуслар таъминланадиган иш озод этилганидан кейин ҳалол меҳнат билан шуғулланиши учун имкон қадар малака берадиган ёки малакасини оширадиган бўлиши керак.

2. Бундан фойда чиқаришга қодир маҳбусларни, айниқса кичик ёшдаги маҳбусларни фойдали ҳунарларга ўргатиш лозим.

3. Агар бу ҳунарни тўғри танлаш ҳамда маъмурият талаблари ва тегишли муассасадаги интизомга тўғри келса, маҳбуслар ўз танловига кўра ишни бажариш имкониятига эга бўлиши керак.

99-қоида

1. Маҳбуслар озодликдаги иш шароитларини ўрганиши учун қамоқхона муассасаларида иш ташкил этилиши ва иш услублари қамоқхона муассасаларининг ташқарисида қабул қилинган иш услубларига имкон қадар яқинлаштирилган бўлиши керак.

2. Шу билан бирга маҳбусларнинг манфаатларини ва касбий тайёргарлигини қамоқхонадаги ишлаб чиқаришдан молиявий фойда олиш нуқтаи назари билан боғламаслик лозим.

100-қоида

1. Ахлоқ тузатиш муассасаларида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришни хусусий пудратчиларга эмас, балки қамоқхона маъмурияти зиммасига юклаш яхшироқдир.

2. Қамоқхона маъмурияти томонидан назорат қилинмайдиган ишни бажараётган маҳбуслар қамоқхона муассасалари ходимларининг доимий кузатувида бўлиши керак. Маҳбуслар бошқа ҳукумат муассасалари учун иш бажараётган ҳоллар бундан мустасно, иш берувчилар қамоқхона маъмуриятига тегишли иш учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг тўлиқ ставкаларини маҳбусларнинг меҳнат унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда тўлаши керак.

101-қоида

1. Озод ишчилар хавфсизлиги ва соғлиғини муҳофаза қилишга тааллуқли қоидалар қамоқхона муассасаларида ҳам қўлланиши керак.

2. Ишлаб чиқаришда жароҳат ёки касб касаллигига чалинган тақдирда маҳбусларга товон пули тўланиши лозим. Ушбу товон пулининг шартлари

қонунда озод ишчилар учун белгиланган шартлардан кам бўлмаслиги керак.

102-қоида

1. Иш кунининг ёки ҳафтасининг энг узоқ давомийлиги эркин ишчиларнинг меҳнат шароитлари соҳасидаги маҳаллий қоидаларни ёки одатларни ҳисобга олган ҳолда қонунчиликда ёки маъмурий қарорлар асосида белгиланади.

2. Иш вақти шундай тақсимланиши лозимки, маҳбуслар ҳафтада камида бир кун дам олиши, шунингдек уларнинг қайта тарбияланиши учун ўқиш ва бошқа фаолият турлари учун етарли вақтга эга бўлиши керак.

103-қоида

1. Ўз меҳнати учун тегишли тизим доирасида маҳбуслар адолатли пул мукофоти олиши керак.

2. Ушбу тизимга мувофиқ маҳбуслар ҳеч бўлмаса ишлаб топган пулларининг бир қисмини рухсат этилган шахсий кундалик ашёларга сарфлаш ва иш ҳақининг бир қисмини оиласига юбориш имкониятига эга бўлиши керак.

3. Ушбу тизим маҳбуснинг ишлаб топган пулларининг бир қисми қамоқхона маъмуриятида сақланишини ҳам назарда тутиши керак, маъмурият бу омонатларни унга озод этилган пайтда топширади.

Таълим ва дам олиш

104-қоида

1. Бундан фойда олишга қодир бўлган барча маҳбусларга келгусида таълим, шу жумладан рухсат бериладиган мамлакатларда диний тарбия олиш имконияти таъминланиши лозим. Саводсиз ва кичик ёшдаги маҳбусларни ўқитиш мажбурий ҳисобланиши лозим ва қамоқхона маъмурияти бунга алоҳида эътибор қаратиши керак.

2. Озод этилган маҳбуслар қийналмай ўқий олишлари учун маҳбусларни ўқитишни имконият доирасида мамлакатнинг амалдаги таълим тизими билан боғлаш лозим.

105-қоида

Барча қамоқхона муассасаларида маҳбуслар жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши учун уларга дам олиш ва маданий фаолият билан шуғулланиш имкониятлари берилиши лозим.

106-қоида

Маҳбус ва унинг оиласи ўртасидаги алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, улар зарур ва иккала томон манфаатларига хизмат қилиши назарда тутилади.

107-қоида

Қамоқ муддатини ўташ бошланган вақтдан маҳбусни озод этилганидан кейин кутаётган келажаги ҳақида ўйлаш керак. Маҳбусни бунга ундаш керак, шунингдек унга қамоқхона ташқарисида бўлган, жамиятда ўз ўрнини топишда кўмаклашишга ва унинг оиласининг энг яхши манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган шахслар ёки муассасалар билан алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш керак.

108-қоида

1. Озод этилган маҳбусларга жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам берадиган ҳукумат ёки бошқа хизмат ва ташкилотлар имконият ва зарурат бўлган тақдирда бундай маҳбуслар зарур ҳужжатлар ва шахсини тасдиқловчи гувоҳномалар олиши, муносиб турар жой ва иш топиши, мазкур иқлим ва йил фасли учун мос ва етарли кийимга ва зарур жойга бориш учун ва улар озод этилгандан бевосита кейинги даврда яшашга етарли маблағга эга бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиши керак.

2. Шундай ташкилотларнинг аккредитациядан ўтган вакиллари қамоқхона муассасаларига ва ундаги маҳбус шахсларнинг олдига ташриф буюриш имкониятига эга бўлиши керак. Улар билан маҳбусларнинг қамоқ муддати бошланган вақтдан бошлаб уларнинг келгуси ҳаёти истиқболлари ҳақида маслаҳатлашиш лозим.

3. Бундай ташкилотларнинг ишидан мумкин қадар самарали фойдаланишни таъминлаш учун уларнинг фаолиятини мумкин қадар марказлаштириш ёки мувофиқлаштириш асосида амалга оширилиши лозим.

В. РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА/ЁКИ СОҒЛИҒИ ҲОЛАТИ ОҒИР БЎЛГАН МАҲБУСЛАР

109-қоида

1. Жиноий жавобгарлиги йўқ деб ҳисобланган ёки кейинчалик жиддий руҳий касалликлар ва/ёки соғлиғи ҳолати оғирлиги ташхиси қўйилган ва қамоқхонада бўлишни давом эттирса, ҳолати ёмонлашадиган маҳбусларни қамоқхона муассасаларида сақламаслик лозим ва уларни мумкин қадар тезроқ психиатрия шифохоналарига ўтказиш чораларини кўриш зарур.

2. Зарурат бўлган тақдирда жиддий руҳий касалликлар ва/ёки соғлиғи ҳолати оғир бўлган бошқа маҳбуслар махсус муассасаларда малакали тиббиёт мутахассислари назоратида кузатилиши ва даволаниши мумкин.

3. Тиббий хизмат бундай даволанишга муҳтож бўлган барча бошқа маҳбусларга психиатрия даволанишини таъминлаши керак.

110-қоида

Ваколатли муассасалар билан келишилган ҳолда, агар зарурат бўлса, озод этилган маҳбусларга психиатрия ёрдамини кўрсатиш, шунингдек уларга ижтимоий-психиатрик ҳомийлик қилиш чораларини кўриш лозим.

С. ҚАМОҚҚА ОЛИНГАН ЁКИ СУДНИ КУТАЁТГАН ШАХСЛАР

111-қоида

1. Жиноят содир қилишда айблов бўйича қамоққа олинган ёки қамоқда сақланаётган, полиция участкаларида ёки қамоқхона муассасаларида (тергов изоляторларида) сақланаётган, лекин судга ҳали чақирилмаган ва судланмаган шахслар “тергов остидаги” маҳбуслар деб аталади.

2. Тергов остидаги маҳбуслар айбсиз деб ҳисобланади ва улар билан тегишли муомалада бўлиш лозим.

3. Шахснинг эркинлигини ҳимоя қилишга ёки тергов остидаги маҳбуслар билан муомала қилиш тартиб-таомилига оид қонун нормаларига риоя қилишга тўсқинлик қилмай, бу маҳбусларга қуйидаги қоидаларда баён қилинган алоҳида тартибни ва ушбу тартибнинг қуйида таърифланган асосий талабларини қўллаш керак.

112-қоида

1. Тергов остидаги маҳбусларни маҳкумлардан алоҳида сақлаш керак.

2. Тергов остида бўлган ёш маҳбусларни катта ёшдагилардан алоҳида ва, умуман, алоҳида муассасаларда сақлаш лозим.

113-қоида

Тунда тергов остидаги маҳбусларни алоҳида хоналарга биттадан жойлаштириш лозим, бунда иқлим шароитлари билан изоҳланадиган маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш керак.

114-қоида

Тегишли муассаса тартибини бузмаса, тергов остидаги маҳбусларга, агар хоҳлашса, ташқаридан ўз ҳисобига қамоқхона маъмурияти органлари орқали ёки оила аъзолари ёхуд дўстлари орқали овқат олишга рухсат бериш мумкин. Акс ҳолда маҳбуснинг овқатланишини маъмурият таъминлайди.

115-қоида

Тергов остидаги маҳбуслар ўз кийимини, агар тозаликда сақласа ва кийиниш одобига риоя қилса, кийиш ҳуқуқига эгадир. Агар тергов остидаги маҳбус қамоқхона кийимини кийса, у маҳкумларнинг кийимидан фарқ қилиши керак.

116-қоида

Тергов остидаги маҳбусларга ҳамиша меҳнат қилиш имконияти тақдим этилиши лозим, аммо иш уларнинг мажбуриятига кирмайди. Агар бундай маҳбус ишлашга қарор қилса, унинг меҳнатига ҳақ тўланиши керак.

117-қоида

Барча тергов остидаги маҳбуслар ўз маблағларига ёки учинчи шахслар ҳисобига китоб, газеталар, ёзиш ашёлари ва вақт ўтказиш имконини

берадиган бошқа буюмларни, агар улар одил судловни амалга ошириш манфаатларига, хавфсизлик талабларига ва тегишли муассасада қабул қилинган тартибга мос келса, сотиб олиш имкониятига эга бўлиши керак.

118-қоида

Тергов остидаги маҳбусларга қамоқхонада бўлиш вақтида ўз шифокори ёки тиш шифокори хизматидан фойдаланишга, агар бу ҳақдаги илтимос оқланган бўлса ва улар бу билан боғлиқ харажатларни тўлай олсалар, рухсат берилиши лозим.

119-қоида

1. Ҳар бир тергов остидаги маҳбус ушлаб турилиши сабаблари ва ўзига тақдим этилаётган ҳар қандай айбловлар ҳақида тез хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Агар тергов остидаги маҳбуснинг ўз танлови бўйича адвокати бўлмаса, одил судлов манфаатлари талаб қилган барча ҳолларда ва, агар тергов остидаги маҳбус етарли пул маблағларга эга бўлмаса, тергов остидаги маҳбус томонидан қандайдир ҳақ тўламасдан, унинг суд ёки бошқа орган томонидан тайинланган адвокатга оид ҳуқуқи бўлиши керак.

120-қоида

1. Тергов остидаги маҳбуснинг ўзини ҳимоя қилиш мақсадида адвокат ёки юридик ёрдам кўрсатадиган шахсдан фойдалана олишини тартибга соладиган ҳуқуқлар ва шартлар 61-қоидада кўрсатилган тамойиллар билан тартибга солинади.

2. Тергов остидаги маҳбусга унинг талабига кўра ўз ҳимояси билан боғлиқ ҳужжатларни, шу жумладан унинг адвокати ёки юридик ёрдам кўрсатадиган шахсга махфий йўриқномалар тайёрлаш учун ёзиш ашёлари тақдим этилиши керак.

D. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАҲБУСЛАР

121-қоида

Қонун қарз мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун ёки суднинг ҳар қандай жиноий бўлмаган ишлар муносабати билан кўрсатмаси бўйича қамоқда сақлашга рухсат берилган давлатларда бундай тартибда қамоққа олинган шахсларга ишончли назорат ва тегишли тартибни сақлаш учун зарур бўлган талаблардан кўра катта чекловлар қўйилмаслиги ёки улар билан кескинроқ муомала қилинмаслиги лозим. Бундай шахслар билан муомала қилиш тергов остидаги маҳбусларга қилинадиган муомаладан юмшоқроқ бўлмаслиги керак, аммо фарқли ўлароқ уларнинг меҳнати мажбурий бўлиши мумкин.

Е. АЙБЛОВ ТАҚДИМ ЭТИЛМАСДАН ҚАМОҚҚА ОЛИНГАН ЁКИ ҚАМОҚДА САҚЛАШ ҚЎЛЛАНИЛГАН ШАХСЛАР

122-қоида

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддаси қоидаларига зарар етказмасдан айбловни тақдим этмай қамоққа олинган ёки қамоқда сақлаш қўлланилган шахсларга ушбу қоидаларнинг I қисми ва II қисмининг С бўлими бўйича шахсларга бериладиган айнан ўша ҳимоя берилади. Ушбу қоидаларнинг II қисми А бўлимининг тегишли қоидалари уларнинг қўлланилиши қамоққа жойлаштирилган ушбу алоҳида гуруҳ шахсларига фойда келтириши мумкин бўлган ҳолларда, башарти қандайдир жиноят учун судланмаган шахсларга нисбатан тузатиш ёки қайта тарбиялаш услублари қўлланилишини англатадиган чоралар кўрилмаса, қўлланади.

Penal Reform International (PRI) Халқаро қамоқхона ислоҳоти бутун дунёда жиноий одил судлов муаммоларига адолатли, самарали ва муносиб эътибор бериш чораларини ишлаб чиқадиган ва таклиф этадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган мустақил ташкилотдир.

Биз ҳуқуқбузарларни реабилитация қилишга қаратилган қамоқда сақлашнинг муқобил чораларини таклиф қиламиз. Шунингдек, ушлаб турилганларнинг адолатли ва инсоний муомалага бўлган ҳуқуқларини илгари сурамиз. Биз қийноқларнинг олдини олиш ва ўлим жазосини бекор қилиш мақсадида фаолият олиб борамиз, бизнинг ишимиз жиноий одил судлов тизимида қонунни бузган болалар ва аёллар билан адолатли ва инсоний муомала қилишни таъминлашга қаратилган.

Бизнинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, Тропик Африка, Шарқий Европа, Марказий Осиё ҳамда Жанубий Кавказ мамлакатларида жойлашган минтақавий офисларимиз миллий ва минтақавий даражада дастурларни татбиқ этмоқда ва техник кўмак бермоқда. Шунингдек, биз Жанубий Осиёдаги шерик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида (ЭКОСОС), Парламентлараро иттифоқда (IPU), Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Комиссиясида, Бола ҳуқуқлари ва бахт-саодати бўйича Африка экспертлар қўмитасида ҳамда Европа кенгашида PRI маслаҳат бериш мақомига эга.

Бизнинг ҳар ойлик электрон бюллетенимизни олиш учун, илтимос, **www.penalreform.org/keep-informed** сайтида рўйхатдан ўтинг.